Ушбу сонда:
2 РЕСПУБЛИКАМИЗ СИҲАТГОҲЛАРИДА
3 АЛЛОМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТИ
4 КАРДИОЛОГИЯ ВА НЕВРОЛОГИЯ МАРКАЗИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 20 май, шанба №72 (904)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ВЛАДИМИР ПУТИН:

## ЎЗБЕКИСТОНГА ТАҲДИД - РОССИЯГА ТАҲДИДДИР

***Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан 18-19 май кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.***



Ташриф дастуридан жой олган асосий тадбирлар Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтди. Биринчи куни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Владимир Путин ўзаро яккама-якка суҳбатда шу куннинг долзарб масалалари, икки томонлама алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари борасида фикр алмашди. Бу учрашув мўлжалланганидан анча узоқ давом этгани унда муҳокама қилинган масалалар жуда муҳим бўлганлигидан дарак беради.

Бугунги кунда диний экстремизм, халқаро терроризм ва минтақавий хавфсизлик масалалари нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда жуда долзарб бўлиб турибди. Шу боис, музокараларда бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтилгани бежиз эмас. Президентлар давлатлар осойишталигига хавф солувчи ҳар қандай хавф-хатарга қарши ҳамжиҳатликда курашишнинг муҳимлигини қайд этдилар. Бугунги кунда дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришига тўсқинлик қилаётган бундай хавфни енгиш учун биргаликда, кучларни ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда кураш олиб борилмаса, эртага у барча учун ашаддий таҳдидга айланиши турган гап. Мазкур масалаларни ҳал қилиш учун ҳозирданоқ қатъий чора-тадбирлар кўриш келажакдаги фаровон ҳаёт кафолати бўлади.

19 май куни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда ҳам Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий, шунингдек, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Бу соҳалардаги ҳамкорлик икки томон учун ҳам бирдек муҳимлиги яна бир бор эътироф этилди.

Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо шериги ва иқтисодий ҳамкори ҳисобланади. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Россиянинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Сўнгги вақтларда бу борадаги ҳамкорлик алоқалари сезиларли жонланганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми тўққиз фоиз ўсди. Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда икки давлат ўртасидаги савдо айланмасининг йиллик ҳажми 1-1,5 миллиард АҚШ доллари атрофидадир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, собиқ иттифоқ республикалари орасида фақат Ўзбекистонгина Россиядан қарздор эмас.

Бугун Ўзбекистон, дейлик, самолётсозлик соҳасида Россия билан шериклик қилишдан манфаатдор бўлса, ўз навбатида, Россия тўқимачилик саноатининг ривожи ўзбек пахтасига боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Россияга етказиб берилиши ҳам муҳим савдо-иқтисодий омиллардан ҳисобланади.

Музокаралар жараёнида таъкидланганидек, икки давлат ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни юксалтиришга хизмат қиладиган, аммо турли сабабларга кўра ишга солинмаган улкан имкониятлар, захиралар мавжуд. Музокараларда мана шу омиллардан унумли фойдаланишни тезроқ йўлга қўйиш, бунинг учун куч-ғайратни бирлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари ниҳоясига етгач, ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилмалари ва Россия Федерацияси субъектлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда халқаро автомобил қатнови тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Музокаралар якунлангач, Ислом Каримов ва Владимир Путин журналистлар билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбари Владимир Путин расман Президент лавозимини эгаллаганидан сўнг ўзининг биринчи хорижий сафарини айнан Ўзбекистондан бошлагани чуқур рамзий маънога эга эканлигига эътиборни қаратиб, мазкур ташриф чоғидаги музокаралар самарали бўлгани ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидлади.

- Биз ҳар галги учрашувимизда ўзаро ҳамкорликнинг ҳам Ўзбекистон, ҳам Россия миллий манфаатларига мос келувчи янги шакл ва усулларини топишга муваффақ бўляпмиз,- деди жумладан, Ислом Каримов. - Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп томонлама шериклик бугунги кунда ўзаро ишонч, тенглик ва бир-биримизга ҳурмат асосида қурилмоқда.

Владимир Путин Президентлик лавозимини расман эгаллагач, илк хорижий сафарини Ўзбекистондан бошлагани тасодифий эмаслигини айтди.

- Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар бўйича ривожланиб бормоқда, - деди Россия раҳбари. - Мамлакатларимизнинг бир-бирини тушуниш даражаси кундан-кунга ортаётир. Бу эса, ўз навбатида, муносабатлар ривожининг жадаллашишига туртки бўляпти.

Ислом Каримов музокараларда минтақавий хавфсизлик масаласи кенг муҳокама этилганини маълум қилди.

- Диний экстремизм, халқаро терроризм, шунингдек, Шимолий Кавказ, Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги барқарорликка путур етказишга уринаётган кучлар ортида яхши таъминланган ва уюшган халқаро экстремистик марказлар турганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас, - деди Ислом Каримов. - Бу иллатларга қарши курашиш ва манбаларини йўқ қилиш борасида Ўзбекистон билан Россиянинг қарашлари бир-бирига уйғундир.

Ўзбекистон Россия билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кучайтиришдан, ўз навбатида, Россия ҳам мамлакатимиз билан бу борадаги шерикликни мустаҳкамлашдан манфаатдор. Владимир Путин Ўзбекистонга ташрифидан олдин Давлат Думасига Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномани ратификация учун таклиф қилгани бежиз эмас. Мазкур ҳужжат ўтган йилнинг декабрида, В.Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган эди. У икки мамлакат қуролли кучларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий техника ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш масалаларини ҳал қилиш учун ҳуқуқий асос яратади. Ислом Каримов таъкидладики, айни пайтда икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик борасида ўттизга яқин лойиҳа шартнома устида иш олиб борилмоқда. Уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши Ўзбекистоннинг мудофаа қудратини янада оширишга хизмат қилади.

Владимир Путин Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат хавфсизлигини таъминлаш борасида юритаётган сиёсатига юқори баҳо берди ва бу жараён республикамиз иттифоқчилари, жумладан, Россия томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Сўнгги вақтларда Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга қаратилган ҳаракатлар анча фаоллашгани рост. Экстремистик кучлар бу ҳудудда «беқарорлик ўчоғи» яратишга уринаётир. Минтақада жойлашган республикалар, жумладан, Ўзбекистон Россиянинг муҳим шериги ҳисобланади. Бинобарин, бу ердаги беқарорлик Россия манфаатларига ҳам путур етказади. Шунинг учун Владимир Путин Ўзбекистонга солинган таҳдид Россияга ҳам қилинган таҳдид бўлади, деб алоҳида таъкидлади. Шу туфайли Россия раҳбари халқаро террор ва экстремизмга қарши курашда Россия Ўзбекистонга ҳар томонлама кўмак беришга доим тайёр эканлигини маълум қилди.

Сўнгги вақтларда Ислом Каримов ва Владимир Путин ўртасида шахсий дўстона яқинлик ва ишонч пайдо бўлгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Журналистлар билан учрашувда Президентларнинг ўзлари ҳам бу жиҳатни алоҳида таъкидладилар. Улар бу дўстона яқинлик давлатлараро муносабатларнинг янада юқори босқичга кўтарилиши ҳамда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлишини қайд этди.

Дўрмон қароргоҳидаги тадбирлар ниҳоясига етгач, Президентлар Тошкент ислом университетига ташриф буюрди. В.Путин университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Шу билан Россия Федерацияси Президентининг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди. Тошкент аэропортида уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

Шу ернинг ўзида мамлакатимиз раҳбари маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берар экан, жумладан, шундай деди:

- Владимир Путиннинг мамлакатимизга ташрифи самарали бўлди, - деди Ислом Каримов. - Маълумки, ўтган йилнинг декабр ойида В.Путин мамлакатимизга Россия ҳукумати раиси сифатида ташриф буюрган эди. Шундан сўнг ўтган қисқа вақт мобайнида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Бу сафар у юртимизга Россиянинг Президенти сифатида келди. Мазкур икки ташриф сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, турли масалаларга қарашларимизни уйғунлаштириш, хавфсизлик йўлида алоқаларимизни мустаҳкамлаш борасида жуда муҳим омил бўлди.

**Анвар КАРИМОВ, Алишер ҲАСАНОВ, ЎзА мухбирлари.**

*«Универсиада-2000»*

## НАМАНГАН МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

Яна икки кундан сўнг гуллар шаҳри — Наманганда бўлиб ўтадиган «Универсиада-2000» беллашувларини вилоятнинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча аҳолиси интиқлик билан кутмоқда. Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мўлжалланган барча тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди. Айниқса, «Чортоқ» ва «Гулшан» санаторийлари қошида барпо этилган «Универсиада шаҳарчаси»даги янги хиёбонлар, бинолар, кўркам фавворалар атрофга ўзгача ҳусн бағишлади. Шаҳарча тасарруфидаги ётоқхоналарда спортчи-талабаларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган бўлса, клуб, бильярдхона, рақс майдончаси, иккита кинозал ҳам универсиада кунлари улар ихтиёрида бўлади. Шунингдек, «Универсиада шаҳарчаси»да спортчиларнинг овқатланишлари юқори савияда ташкил этиш мақсадида бир вақтнинг ўзида 1050 киши овқатланадиган ошхона қайта таъмирдан чиқарилди. Спортчи талабаларни ташиш учун эса 60 та автобус ажратилди.

Яна шуни мамнуният билан тилга олиб ўтиш жоизки, ушбу шаҳарчанинг бунёд этишда халқимизга хос қадим одат — ҳашар усули қўл келди. Чунончи, бу ишларни амалга оширишда 40 дан ортиқ қурилиш-монтаж, шунингдек, Чортоқ туманидаги 30 дан зиёд бошқа меҳнат жамоалари иштирок этдилар. Йўлсозлар 6 минг квадрат метр ҳажмдаги майдонга асфальт ётқизган бўлсалар, энергетиклар эса 200 дан ортиқ тунги ёритгич ва манзарали гулчироқ ўрнатдилар.

Бир сўз билан айтганда, Наманган — гўзал «Универсиада шаҳарчаси» ёшлик ва шижоат курашининг соҳибларини кутиб олишга шай.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.**

## «ДУНЁ БЎЙЛАБ САКСОН КУН»

19 май куни эрталаб «Дунё бўйлаб саксон кун» шиори остида ўтаётган халқаро авторалли иштирокчилари Бухоро вилоятининг «Олот» чегара-назорат маскани орқали Ўзбекистон ҳудудига кириб келди. Бу тадбирнинг ўзига хослиги шундаки, пойга қатнашчилари бугунги кунда осори атиқага айланиб қолган «эски» машиналарда йўлга чиққан. Шу боис, раллининг ўртача тезлиги соатига 50 километрга етар-етмас. У 1 май куни бошланган эди. Пойгачилар Ғарбий Европадан - Лондондан Россияга, кейин Каспий денгизининг жанубий соҳилларидаги мамлакатлардан ўтиб, Ўзбекистонга кириб келди.

Олот чегара масканига биринчи бўлиб англиялик Питер ва Сюзан Нобл ўзининг 1924 йилда ишлаб чиқарилган «Manchester 40HP Tourer» русумли автомобилида кириб келди. Меҳмонларни маҳаллий маъмурият, «Ўзбектуризм» миллий компанияси вакиллари ҳамда журналистлар кутиб олди.

Айни пайтда ралли иштирокчилари Олот-Бухоро-Самарқанд-Тошкент йўналишида ҳаракатни давом эттирмоқда. Юртимиз сарҳадларин босиб ўтилгач, улар Хитойга қараб йўл оладилар. Кейин пойгачилар денгиз йўли билан Америка қитъасига ўтади. Сўнгги манзил - Лондонга эса 18 июлда кириб бориш мўлжалланмоқда.

Халқаро пойгани кузатувчилардан бири - Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кристофер Ингэм, ралли дунёнинг энг қадимий ва энг машҳур йўлларидан бири - «Буюк Ипак йўли» - Ўзбекистон орқали ўтишининг муҳим аҳамияти борлигини таъкидлади. Чунки бу йўл асрлар оша турли мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро борди-келди, савдо-сотиқ ҳамда маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутиб келган. Энди у яна қайтадан тикланиб, яна катта аҳамият касб этмоқда.

**Азиз Ғойибов, ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

***Қонун ҳужжатларини амалга оширишнинг таъсирчан механизмини шакллантириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини сифатли тайёрлаш ҳамда уларнинг қонунийлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи идоравий меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинишини бартараф этиш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Белгилаб қўйилсинки:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида янада кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради;

фуқароларнинг, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси» - «Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан»да албатта эълон қилиниши керак;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органлари меъёрий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмаслар, ушбу ҳуқуқ қонунчиликда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари:

умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларни улар қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилишини ҳамда кейинчалик меъёрий ҳужжатларнинг давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун муддатда барча манфаатдор шахсларга етказилишини таъминласинлар;

умумий мажбурий тусдаги меъёрий кўрсатмаларни меъёрий тусда бўлмаган ҳужжатларга киритишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларни ижро этиш учун жўнатиш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ҳолларига йўл қўймасинлар.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари идоравий меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарорларининг сўзсиз бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, барча даражалардаги ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни, рўйхатдан ўтказишни ва уларнинг фаолиятини мураккаблаштирувчи, асоссиз равишда қўшимча маълумотномалар ва ҳужжатлар сўрашни назарда тутувчи ҳужжатлар чиқарилиши тақиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан идоравий меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва амалга киритишнинг белгиланган тартиби бажарилиши устидан назоратни таъминласин;

идоравий нормалар чиқаришнинг аҳволини доимий равишда таҳлил қилиб борсин ва зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсин;

бир ой муддатда Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиш қоидаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, уларни вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга етказсин;

«Халқ сўзи» - «Народное слово» газеталари таҳририятлари билан биргаликда барча манфаатдор шахсларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларини янгидан қабул қилинган умумий мажбурий тусдаги идоравий меъёрий ҳужжатлар тўғрисида, идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳар ҳафта эълон қилиш йўли билан, хабардор қилишни таъминласин;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда 2000 йил 10 июнга қадар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ келмайдиган, жамият тараққиётини барча томонларини эркинлаштириш сиёсати талабларига жавоб бермайдиган, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун асоссиз тўсиқлар қўяётган, тадбиркорлик субъектларининг ташаббускорлигини ва иқтисодий эркинлигини чеклаётган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш мақсадида идоравий меъёрий ҳужжатлар хатловидан ўтказсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 19 май

*Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги*

**Кейинги вақтларда ишчиларимизнинг лабларида кулги, ишларида унум, сифат белгилари яққол сезилмоқда, — деди Янгийўл пахта тозалаш заводи касаба уюшма қўмитасининг раиси Тўрабек Аваздурдиев. — Чунки ишчи меҳнатининг қадри ортди. Ойлик маошлар деярли бир ярим ҳисса кўпайтирилди. Энди ишчи 18 минг сўмгача маош оладиган бўлди.**

# МАОШ ЙИГИРМА МИНГ СЎМ

Агар ҳар кунги режа бажариладиган бўлса, қўшимча 25 фоиздан 100 фоизгача, тола сифати яхши бўлса 15 фоиз мукофот пули берилади. Булардан ташқари 3-сменада ишловчилар учун овқат бепул. Ишга келиш ва кетиш махсус автобусларда амалга оширилади. Зарарли ишдагилар сут билан таъминланмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига ва маҳсулот сифатига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ўтган давр ичида 19 минг 911 тонна пахтанинг 15 минг тоннадан ортиғи қайта ишланиб, сифат жиҳатидан яхши баҳоланди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарган толаларимизнинг 95 фоизига Америка, Италия, Франция, Австрия, Англия, Швейцария каби ривожланган мамлакатларнинг саноатчилари харидор бўлмоқдалар. Амалий алоқалар натижасида ҳозирги кунда 7 миллион сўм соф фойдага эгамиз.

— Ишчининг унумли ва сифатли иш бажариши учун моддий манфаатдорликнинг ўзи кифоя қилмайди, албатта. Чунки бунда технологик жараёнлар, маданий-маиший шароитлар ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади.

— Тўғри. Биноларимиз, ускуналаримизнинг ҳаммаси деярли янги. Ҳатто вилоятдаги пахта тозалаш заводлари учун техник хизмат кўрсатувчи устахонамиз ишлаб турибди. Шундай бўлса ҳам яқин орада реконструкция ишларига 600 минг сўм сарфланди. Ишчилар учун дам олиш хоналари, тиббиёт хонаси, тиш даволаш шифокори хизмат кўрсатаяпти. Бу йил эрта баҳордан хиёбонларни қайтадан тикладик. Икки минг туп мевали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказдик. Жамоамизда меҳнат қилаётган 422 нафар ишчи ва техник ходимларга йилнинг ҳар чорагида икки марта 5 килограммдан арзон нархда ўсимлик ёғи тарқатмоқдамиз. Ҳозир Сирдарё бўйидаги дам олиш масканимиз гавжум. 8 март, Наврўз байрамларини шаҳар маданият саройида ўтказдик.

— Ишчиларнинг саломатликларини тиклашлари, улар фарзандларининг ёзги оромгоҳларда дам олишлари масаласи қандай ҳал қилинмоқда?

— Яқинда Янгийўл ва «Зангиота» санаторийларида икки нафар ишчимиз даволаниб қайтишди.

Энди болаларнинг дам олиш масканларига келсак, жамоа шартномасига асосан йўлланма нархининг бир қисми ва оромгоҳларга уларни олиб бориш ва олиб келиш маъмурият ҳисобидан амалга оширилади.

Маъмурият билан касаба уюшмаларининг мақсад бирлиги яхши натижалар беряпти. Бу ҳамкорлик жамоа шартномаси бандларида акс этган ишчилар манфаатларини ҳимоя қилишдек савобли ишларимизнинг бажарилиши, пировардида ишлаб чиқаришда унум бўлиши ва одамлар турмуш шароитининг яхшиланишига олиб келмоқда.

**Темур ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.**





Янгийўлдаги Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонасида сўнгги ойларда янги иш ўринлари яратилди. Энг замонавий технология асосида маҳсулот тайёрлаётган малакали ходимлар сифатга алоҳида эътибор беришмоқда. Айни кунларда қўшма корхона истеъмолчиларга 15 хилдаги сархил неъмат етказиб бермоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, маҳаллий аҳолидан шогирдлар тайёрлашга катта эътибор берилди. Улар айни кунларда ишончни оқлаб, кунлик меъёрни ортиғи билан адо этишмоқда.

Корхонада ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор берилади. Ишчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг кўнгилли дам олишлари учун аниқ тадбирлар амалга оширилаяпти.

**Суратларда: (чапдан) 1. Моҳир оператор Азиза Ишмуҳамедова. 2. Ишни сифатли бажаришда ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган пешқадам ишчи Ирина Шмилёва.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ДЕНОВ ДУНЁ БИЛАН СЎЗЛАШАДИ

Денов шаҳридаги «Сурхондарё телеком» шуъба корхонаси индонезияликлар ва «Эриксон-Никола-Тесла» фирмаси билан ҳамкорликда қурган замонавий телефон автомат станциясининг тақдимот маросими бўлди. «Шимолий халқа» номини олган янги телефон станциясининг ишга туширилиши билан вилоят шимолидаги Денов, Олтинсой, Шўрчи, Сариосиё ва Узун туманларида алоқа хизмати тубдан яхшиланди. Қишлоқ аҳли эндиликда дунёнинг исталган шаҳри билан гаплашиш имконига эга бўлди. Шу мақсадда икки ярим миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

*Республикамиз сиҳатгоҳларида*

**«Шаҳанд» сиҳатгоҳи табиат ардоқлаган масканлардан. Унинг ҳудудидаги асрий чинорлар, яхши инсонлар ташаббуси билан олис-олислардан келтириб ўтқазилган хилма-хил соя берувчи ҳамда хушманзара дарахтлар, муаттар гуллар мавжлари кўнгилларга ором берувчи мовий кўл, қуёш оғмасиданоқ ўйноқлайдиган балиқлар кимларни мафтун этмаган дейсиз!**

# «ШАҲАНД»НИНГ ШИФОБАХШ СУВЛАРИ

Сиҳатгоҳга кираверишдаги арк услубида қурилган салобатли рамзий дарвозадан ҳатламасимизданоқ қувноқ мусиқа товуши қулоғимизга чалинди ва беихтиёр ўша ёққа қараб юрдик.

Хушманзара ва гуллар қуршовидаги томоша майдони дам олувчилар билан тўла. Ўртада бир неча киши қўшиқ оҳангига ҳамоҳанг рақс тушишарди. Ҳамманинг кайфияти баланд. Маълум бўлишича, вилоятдаги таниқли санъаткор йигитлардан бири сиҳатгоҳ жамоасига концерт ташкил этган экан.

— Биз учун энг муҳими, бу ерда ҳордиқ чиқариб саломатликни мустаҳкамлаш, дардларимиздан фориғ бўлиш учун барча шарт-шароитлар мавжудлигида, - дейди Тошлоқ туманидан келган уруш қатнашчиси Меликўзи ота Умаров. — Атрофга қаранг, жаннатга ўхшайди. Бу ернинг сувини-ку айтмай қўя қолай, ҳар томчиси тенги йўқ малҳам. Айтишларича, кўл атрофидаги ўн-ўн беш туп кекса чинорни демасангиз, олдинлари чакалакзор бўлган экан. Одамлар дам олишсин, шифо топишсин, деб шунақа жойни боғ-бўстонга айлантирганлар икки дунё кам бўлмасин!

Дарҳақиқат, Меликўзи отанинг гапларида жон бор. Авваллари бу ер ташландиқ эди. Лекин аҳамиятга молик томони кичкинагина булоқ суви сизиб чиқар, беморлар қадимдан ундан фойдаланиб келишарди. Бора-бора у мутахассислар эътиборини ўзига тортди. Булоқ сувидан намуна олиб, текшириб кўрилди. Натижада унда саломатлик учун энг кераклиги, шу билан бир қаторда даволаниши мураккаб ҳисобланган элликка яқин касалликка барҳам берадиган моддалар жамланганлиги аён бўлди. Шу боис бу ерда, 70-йилларнинг иккинчи ярмидан қудуқ қазиш ва қурилиш ишлари бошланди. 1979 йилда битказилган янги бинога 50 нафар дастлабки бемор қабул қилинди. Бу рақам йил сайин ортиб борди. Ўтган йил эса сал кам 1700 киши ҳордиқ чиқариб дардига шифо топди.

— Биз муолажада фойдаланадиган сув юқори минераллашган бўлиб, асаб тизими, ҳаракат органлари, ошқозон-ичак касалликлари сингари ўнлаб хасталикларни даволашда кенг қўлланилади, - дейди сиҳатгоҳ бош ҳакими Умаржон Мўминов. — Мутахассисларнинг аниқлашларича, 3,5 минг метргача чуқурликдан отилиб чиқадиган обиҳаёт таркибида натрий, хлор, магний, сульфат, бром, радон каби инсон саломатлиги учун ғоят асқотадиган беҳисоб моддалар мавжуд. Бизда балчиқ билан даволаш ҳам кенг йўлга қўйилган. Булардан ташқари физиотерапия, парафин, уқалаш, галваник ток ва игна билан даволаш, шифоли ўтлар дамламаси каби бўлимларимиз борки, буларнинг бари инсон вужудидаги турли-туман салбий ҳолатларнинг барҳам топишига ёрдамлашади.

Дарвозадан киришингиз билан 27 гектарли боғбўстон ўртасида тўрт қаватли ётоқхонанинг ҳашаматли биноси савлат тўкиб турибди. Бу ердаги икки, уч ва тўрт кишилик хоналарда мириқиб ҳордиқ чиқариш учун зарур бўлган ҳамма нарса муҳайё. 150 кишилик улкан ошхона залининг кўриниши шаҳарлардаги номдор ресторанлардан қолишмайди. Тайёрланаётган таомлар таъми, сифати яхши. Сиҳатгоҳ боғида етиштирилаётган мевалар қишин-ёзин ошхона дастурхонини безайди. Қайси бир дам олувчи билан суҳбатлашманг, сиҳатгоҳ ходимларидан Муҳамадин Худойқулов, Мавлудахон Отабоева, Ғайбулло Шаробиддинов, Муқаддас Ортиқова, Назира Саракаева, Шаҳзода Олимова, Мавлуда Мирзаевалар номини миннатдорчилик билан тилга олишади. Биз уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари сурхондарёлик Комил Фазлиддинов, самарқандлик Очил Турғунов, марғилонлик Комилжон Ҳамидов, Ғанижон Ғозиев, Наманган шаҳридан Мунира Муҳамадиевалардан ана шундай қалб сўзларини эшитдик.

— Муаммоларимиз ҳам кам эмас, - дея сўзини давом эттирди бош ҳаким. — Даволаш ишларимизни янада юқори поғонага кўтариш, шарт-шароитни тағин ҳам яхшилаш учун анчагина режаларимиз бор. Чунончи собиқ иттифоқ миқёсида иккинчи бўлиб бизда галарея биноси қуришга киришилган эди. Аммо бу иш маблағ йўқлигидан тўхтаб қолди. Чунки, биргина Мингбулоқ тумани сотилган йўлланмалардан ўтган икки йилда салкам 300 минг сўм қарз бўлиб қолди. Шунингдек, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларидан ҳам анчагина дебитор қарзларни ундиролмай хунобмиз. Агар ана шу пуллар ўз вақтида келиб тушганида эди биз улардан қурилиш ва ободончилик ишларини тезлаштиришда фойдаланган, муолажани бундан-да яхшилаш мақсадларига ишлатган бўлур эдик.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.**

# КЎЧМА РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 3-қурултойи қарорларини ва Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмиталари иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида яқинда Жиззах шаҳрида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг кўчма раёсат мажлиси бўлиб ўтди.

Раёсат йиғилиши бошланишидан олдин иштирокчилар шаҳарда янги ишга тушган ва бунёд этилаётган қурилиш нуқталарини бориб кўрдилар. Хотира майдонидаги Мотамсаро она ва Ҳ.Олимжон ҳайкаллари пойига гулчамбарлар қўйилди.

Йиғилиш кун тартибига бир қатор долзарб масалалар киритилди. Жиззах вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг таълим муассасаларида меҳнат қилаётган педагог ходимларга шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояланишига қаратилган Президент фармонлари, Ҳукумат қарорларининг ижроси бўйича олиб бораётган ишлари ҳамда қўмиталарда «Соғлом авлод йили» Давлат дастурининг шу кунгача бажарилиши ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Қатнашчилар Марказий қўмита қошида спорт клубини тузиш ҳақидаги қарорни якдиллик билан маъқулладилар.

Мажлисдан сўнг Марказий қўмита вилоят ҳокимлиги ва вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшмаси, Миллий тикланиш демократик партияси вилоят кенгаши ва вилоят маънавият жамоатчилик маркази томонидан суҳбат ўтказилди. Унда вилоят ҳокимлиги, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси қўмиталари раислари, Жиззах Давлат педагогика институти ректорати, профессор-ўқитувчилари, талабалари, шунингдек, Марказий қўмита ходимлари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида талабалар билан тадбир ташкилотчилари ўртасида бўлиб ўтган савол-жавоблар ҳам иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

**М.МУРЗАЕВА, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг етакчи мутахассиси.**



*Оқолтин тумани пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида олинган тола асосан хорижга жўнатилди. Айни кунларда келгуси йил мавсумига ҳам қизғин ҳозирлик кўрилаяпти. Бунда таъмирловчи уста М. Холдоровнинг ҳиссаси баракали бўлмоқда.*

**Суратда: ёшлар мураббийси Маъмур Холдоров.**
**Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.**

# ЯНГИ КОРХОНА

Когонлик тадбиркор Шавкат Каримов бошлиқ «Файз-қурилиш материаллари» масъулияти чекланган жамият ўтган йили бошлаган хайрли ишини ниҳоясига етказди: гипс ва бентонит ишлаб чиқарувчи завод фойдаланишга топширилди.

Янги корхонани барпо этиш осон кечгани йўқ. Таъсисчилар маблағи қурилиш ҳаражатларига ҳам етмади. Ана шунда «Замин» ипотека банки Бухоро вилоят бўлими тадбиркорга ёрдамга келиб, ишлаб чиқариш ускуналарини харид қилишга 12 миллион сўм кредит ажратди. Когондаги қурилиш, электрлаштириш, газлаштириш ташкилотлари ҳам амалий ёрдамини аямади.

«Когон-Қоровулбозор» трассаси бўйида қурилган янги корхона ҳозир бир кеча-кундузда 100 тоннагача гипс ишлаб чиқармоқда. Йил охиригача ўз маҳсулотининг барчасини қурилиш ташкилотлари ва якка буюртмачиларга етказиб бериш тўғрисида келишиб олган тадбиркор келгусида завод ишлаб чиқариш қувватини суткасига 250 тоннага етказиш тадоригини кўрмоқда.

*«Ишонч» бонг уради*

# ВАЪДА БИЛАН ҚОРИН ТЎЙМАЙДИ

***Хизмат тақозоси билан Урганч туманидаги «Лочин» фирмасида бўлганимизда жанжал устидан чиқиб қолдик. Фирма директори Даврон Матёқубовни бир гуруҳ ғишт заводи ишчилари ўраб олиб, ўтган йилги ойлик маошларини талаб қилишаётган экан. Фирма директори гоҳ кўполлик қилар, гоҳ шошманглар, пул тушсин, бераман, деб уларни юпатган бўларди. Ўтган гал ҳам шундай деган эдингиз, қачонгача бизни алдайсиз? — дейишарди улар ҳам бўш келмай.***

Ажабо, меҳнат қилсангу, ҳақингни ололмасанг! Беихтиёр дарё юзини қоплаган кўпик остида нима борлигига қизиқишимиз ортди.

— Мухбир ака, ҳеч бўлмаса, арзимизни сиз тингланг, — дея эътиборимизни жалб этди Бобомурод Давлетов исмли озғингина йигит. — Ўтган йилнинг июл, август ойидан бери ишлаган пулимиз турибди. Ўн беш марта пулимни сўраб келдим, аммо ололмаяпман. Ўн беш километр йўлдан «Дамас»да келаман. Шу пайтгача йўл кирանинг ўзига ўн беш минг сўмим кетди. Арзимизни тинглайдиган бир мард топилмаяпти.

Фирмадан пулини ололмай юрганлар кўп экан. Ўз тушунтириш хатида Назокат Ортиқова, Илҳом Давлетов, Инобат Худойберганова, Саодат Ортиқовалар 20 минг сўмдан, Бобомурот Давлетов 25 минг сўм, Дилдора Тожибоева 42 минг, Бекпўлат Давлетов 40 минг, Озода Раҳмонова 10 минг, Гулора Жуманиёзова 12 минг, Клара Тожибоева 15 минг сўм ҳақлари борлиги айтилган.

Маълум бўлишича, «Лочин» фирмаси ўтган йилнинг июн ойида тумандаги «Умид» кичик корхонасига қарашли ғишт заводини 3 миллион сўмга баҳолаб олиб ишлата бошлаган. Завод кеч кузгача ишлаган. Лекин негадир ишчиларнинг ойлик маошлари тўла берилмаган. Сабабини фирма директори Даврон Матёқубовдан сўраганимизда, у ғишт заводини ишлатиб 1миллион 600 минг сўмни «Умид» кичик корхонасига ўтказганлигини, яна корхонадан 1 миллион 400 минг сўм қарзи қолганини айтди. Қизиқ, ишчилар меҳнатидан фойдаланиб, уларга ойлаб ҳақ бермаслик учун бу нарсалар сабаб бўла оладими? Фирма директорининг айтишига қараганда, ўтган йили ғишт заводига ярим миллион сўмга пресс, яна шунча пулга вентилятор, трактор ва бошқа нарсалар олганлар, аммо ишчиларнинг ҳақларини беришга маблағ етмай қолган. Ҳисоб-китоб пухта бўлмагач аҳвол шуда.

Ўтган йил 17 ноябрда Республика Вазирлар Маҳкамаси «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор қабул қилган. Унда мутасадди раҳбарларга бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли бўлинмаларда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни аниқлаб, 1 декабргача иш ҳақларини тўла-тўкис тўлаб бўлишлари топширилганди. Нақд пул маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик ҳолатлари бўйича жиноий иш қўзғаш прокуратура органлари зиммасига юклатилганлиги эса, айниқса, бундай хато-камчиликларга йўл қўйганларни огоҳ этиши лозим эди.

Даврон Матёқубов раҳбарлик қилаётган «Лочин» фирмасида, афсуски, бу қарор ҳалигача ўз ижросини топмай келаётир. Натижада ғишт заводининг ишчилари иш ҳақини бултур июн ойидан буён ололмаяпти. Қизиқ, шунча қарз-елкадаги оғир юк билан «Лочин» бундан буён қандай парвоз қиларкин?..

**Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

# «ЎЙИНГОҲНИ БУЗМАНГ, РАИС»

**Газетанинг шу йил 11 март сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Денов туманининг Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигида ҳамма ўз вазифасини имкон қадар сидқидилдан бажараётгани, фақат бу ерда оқшомлар зерикарли ўтаётгани, кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун имконият йўқлиги, спорт-соғломлаштириш ишлари ўлда-жўлда эканлиги хусусида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.**

Денов тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Маъруповнинг таҳририятимизга йўллаган жавоб хатида маълум қилинишича, ушбу мақола ширкат хўжалиги раҳбар ва бош мутахассислари иштирокида муҳокама қилинган.

Ҳақиқатан ҳам мақолада кўрсатилган камчиликлар тўғри. Хўжаликдаги маданият ва спорт иншоотларининг шундай аҳволга тушиб қолишига асосан хўжаликнинг собиқ раҳбарлари айбдор бўлган. Ҳозир улар ўрнида янги раҳбарлар ишламоқда. Айни пайтда хўжаликдаги мавжуд ёзги клубда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Клубда тадбирлар ўтказиш, ободончилик ишларини олиб бориш вазифаси хўжалик раисининг ижтимоий-маданий масалалар бўйича муовини ва шу жойдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси зиммасига юклатилди.

Ўйингоҳ таъмирланиб, дарвозалар ўрнатилди. Унинг атрофига турли мевали ва манзарали дарахтлар экилди.

Ўйингоҳни тартибга келтириш ва уни назорат қилиш учун спорт инструктори тайинланди.

Ширкат хўжалиги аъзоларининг ишдан бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун зарур бўлган юмушлар режаси белгиланиб, амалга оширилмоқда.

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

## Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

**Савол: Шу йил ёшга доир пенсияга чиқдим. 38 йиллик иш стажига эгаман. Менга 5600 сўм миқдорида пенсия тайинлашди. Шу тўғрими? Пенсия миқдори қандай ҳисоблаб чиқарилиши тартиби ҳақида тушунча берсангиз.**

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг V боби пенсияларни ва иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш тартиби мавзуига бағишланган.

Ушбу қонуннинг 25-моддасида кўрсатилишича пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб:

— Пенсиянинг таянч миқдоридан;

— иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан;

— пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан таркиб топади. Энг аввало пенсиянинг таянч миқдори ҳисобга олинади. Ёшга доир пенсияларни ҳисоблаб чиқишда уларнинг пенсия таянч миқдори ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи қилиб белгиланган. Лекин расмий белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида пенсиянинг таянч миқдорлари белгиланади.

Ёшга доир пенсияга чиқилганда иш стажи учун пенсияларнинг оширилишига келсак, тўлиқ нафақа тайинлашда талаб этиладиган ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг таянч миқдорлари олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида ошириладил.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ (Сизни ўртача ойлик иш ҳақингизни) Сизга бериладиган пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳеч қандай устама ҳақлар белгиланмайди. Чунки Сизнинг ҳолатингиз «Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун 28-моддасининг ҳеч бир бандига тўғри келмайди.

Шунинг учун ҳам сизга бериладиган давлат пенсияси фақатгина пенсиянинг таянч миқдоридан ва иш стажи учун пенсияларнинг оширилишидан иборат бўлади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасига асосан пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъий назар бутун меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет келган беш йилликдаги ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтинчи календар ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг (1750 сўм) етти ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

Шунингдек, ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, стипендия ва пенсияларнинг оширилиши тўғрисида"ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилган тузатувчи коэффициентга асосан ҳозирги даврдаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдорига тенглаштирилади.

Сизга пенсия тайинлашда аниқланган ўртача ойлик иш ҳақингизнинг 73 фоизи миқдорида олинган. Бунда пенсиянгизнинг таянч миқдори 55 фоиз, иш стажи учун 18 фоиз миқдорида оширилган.

## МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

**Ҳурматли таҳририят!**

**Меҳнатга ҳақ тўлаш, хусусан меҳнат ҳақи миқдорини белгилаш барчани қизиқтирадиган долзарб масала. Шу хусусда тушунча берсангиз.**

**О.ЭРМЕТОВА,**
**Беруний тумани**

**Жавоб:** Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон-бир тарзда чекланмайди.

Меҳнат Кодексининг IX боб 153-моддасида таъкидланишича меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади.

Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Тиббий-иқлим ва турмуш шароитлари ноқулай бўлган жойларда меҳнат ҳақига район коэффициентлари ва устамалар белгиланади.

Район коэффициентлари ва устамалар жорий қилинадиган жойларнинг рўйхати, шунингдек уларни қўлланиш тартиби ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

**МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ КАФОЛАТЛАРИ**

Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

Меҳнат шартномасининг тарафлари келишуви билан белгиланган меҳнат ҳақи миқдори жамоа шартномаси ёки келишувида ўрнатилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас. Булар ҳақида 154-моддада тушунча берилган.

**МЕҲНАТ ҲАҚИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ**

Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган энг кам меҳнат ҳақи миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат Кодексининг 155-моддасида таъкидланганидек, меҳнат ҳақининг энг кам миқдорига қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар, нормал иш вақтидан четга чиққан ҳолда бажарилган ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақлар (157, 158-моддалар), шунингдек, район коэффициентлари (153-модданинг 4-қисми) қўшилмайди.

**ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР ҲАМДА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ ВА БАЙРАМ КУНЛАРИДАГИ ИШЛАР УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ**

Бу ҳақда Меҳнат Кодексининг 157-моддасида яхлит тушунча берилган. Таъкидланадики, иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси ёки ходимнинг бошқа вакиллик орган билан келишуви орқали белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

## КАТТА БОЙЛИК

**Вазирлар Маҳкамасида шу йил биринчи чорагида металл парчалари тўплаш топшириғининг бажарилиши якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Исаев бошқарди.**

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва корхоналар ҳукуматнинг бу борадаги фармойишини изчил бажара борганлиги, ўтган чоракда қора металл парчалари ва чиқитлари тўплаш бўйича топшириқ 105 фоиз, рангли металл бўйича эса 101 фоиз адо этилганлиги қайд қилинди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металл парчалари ва чиқиндилари ўғриланиши ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала ҳам муҳокама этилди. Сўзга чиққанлар бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаш билан бирга, мутасадди вазирлик ва идоралар, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда жамоат ташкилотлари бу соҳадаги барча ишларни янада мувофиқлаштириши ва аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориши зарурлигига эътиборни қаратди.

**(ЎзА)**



Инсон осойишталиги ва саломатлигини асраш ҳамиша муҳим саналган. Бу хайрли ва мураккаб бурч милиция ходимлари фаолияти билан ҳам боғлиқдир.

Фарғона вилоят Давлат автомобил назорати бошқармаси ходимлари ҳам ана шу муқаддас вазифани намунали бажариб келмоқдалар. Мазкур жамоанинг шаҳар ва туманларда аҳоли осойишталигини сақлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги амалга ошираётган тадбирлари ўз натижасини беряпти.

**Суратда: — Фарғона вилоят ДАН бошқармаси алоҳида ротасининг йўл патрул хизмати инспектори (ўртада) милиция старшинаси Тўлқинжон Маматов ва милиция сержанти Сайдулло Мамажонов шофёр Одилжон Носировнинг ҳужжатини текширмоқда.**

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Қилмиш-қидирмиш*

## ШОҲИДАМАС, БАРГИДА

**Акциз маркасиз тамаки маҳсулотларини турли яширин йўллар билан республикамиз ҳудудига ноқонуний олиб кириш ҳаракати содир бўлиб турибди.**

**Шундай ноxушликларнинг олдини олиш ва ички бозорларимизни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш мақсадида республикамиз божхоначилари томонидан тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда шундай тадбирлардан бири Тошкент вилоятида ўтказилди.**

Ҳамюртимиз Н. Коленов Қозоғистондан айланма йўллар орқали юк тўла аравасi билан «зиёратдан» пиёда қайтаётгани «Зах» кўчма пости ходимларини сергаклантирди. «Шубҳали арава» ҳолислар иштирокида текширилганда умумий нархи 102.000 сўмлик 400 пачка акциз маркасиз сигареталар борлиги аниқланди. Қонунбузар ўзининг бу ҳаракатини яхшироқ даромад топишга интилганлиги билан оқламоқчи бўлди.

«Қорақалпоқ» божхона маскани ходимлари томонидан ҳам 224 сонли «Саратов-Душанбе» йўловчи поезди божхона назоратидан ўтказилганда 1954 йилда туғилган Саломат Пирниёзова ва Зауреш Сержановлар Россия Федерациясидан мамлакатимизга ноқонуний йўл билан 2550 пачка умумий нархи 180500 сўмлик «Наша Прима» ва «Прима Люкс» сигареталарини олиб кириб келаётганларида божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди. Поезд божхона кўригидан ўтказилаётганини эшитган йўловчилардан бири ўзининг 225.000 сўмлик 1250 пачка «Наша Прима», тахминан 100.000 сўмлик 500 пачка «Новость». 64.000 сўмлик 100 пачка «Стюардесса» сигареталарини ташлаб қочиб кетишга ҳаракат қилаётганида тўхтатиб қолинди. Бу кимса ўз «тадбиркорлигини» қонуний йўл билан амалга ошириб, божхона ҳамда солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаб юрганида шундай миқдордаги бойлигини ташлаб қочиб кетишга тўғри келмасди, албатта.

Навоий вилояти божхона бошқармаси ходимлари Тошкент йўналишида ҳаракатланаётган «Мерседес- Бенц» автобусини назоратдан ўтказишди. Ҳамюртимиз эндигина 20 ёшга кирган Виктор Пак худди шундай акциз маркасиз 350000 сўмлик сигареталарни Тошкент шаҳрига сотиш учун олиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Савдогарлик, ишбилармонлик ота-боболаримиздан қолган касб. Лекин унинг ўзига яраша қонун- қоидалари бор. Бу иш билан шуғулланиш ниятида бўлганлар эса жойлардаги божхона масканларига учрашиб, тегишли маслаҳатлар олсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда ишбилармонларнинг ишидан давлат ҳам, уларнинг ўзлари ҳам бирдай манфаатдор бўлган бўларди.

**Наргиза ШАРИПОВА.**

## ИНСОНДАН ЯХШИ НОМ ҚОЛСИН

Азалдан бетакрор илму ҳикмати, заковати ила бутун дунёни ҳайратга солган ота-боболаримиздан бизга — тафаккуримизга болалигимизданоқ сингдирилган тушунча — инсонга яхшилик қилиш туйғуси мерос қолган. Зеро, инсондан фақат яхшилик, яхши ном қолади, ўзгаларга, хусусан, беваю бечоралар, ёрдамга муҳтожларга кўрсатилган ғамхўрлик, меҳр-оқибат қолади. Бир қараганда бу оддий даъватдай туюлса-да, бироқ унда ҳаёт мазмуни, инсон буюклиги мужассам.

Шу маънода, бизнинг, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 96-махсус мактаб-интернатда олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор, десам нокамтарлик бўлмас. Зеро, эшитиш қобилияти суст 256 нафар ўғил-қизларимиз тарбияланаётган интернатда улар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Икки сменада ишловчи 150 ўринга мўлжалланган ошхона, ўқув дарсликлари ва бадиий адабиётларга бой кутубхона, замонавий спорт заллари тарбияланувчилар ихтиёрида. Ўқувчиларимиз вилоят болалар шифохонасининг малакали мутахассислари томонидан ҳар йили бир маротаба жиддий тиббий кўрикдан ўтказиб туриладиди.

Тарбияланувчиларнинг маънавий-руҳий тарбиясига катта эътибор қаратиб келмоқдамиз. Шу мақсадда интернатда «Ўзбекистон — Ватаним маним!», «Ҳунар, ҳунардан ризқинг унар» каби кўплаб бадиий кечалар, йиғилишлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Таъкидлаш лозимки, бу тадбирлар ўқувчиларимизнинг бевосита ташаббуси, фаол иштироки билан ўтмоқда. Шунингдек, «Соғлом авлод йили»да ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш мақсадини кўзда тутувчи интернат миқёсидаги гуруҳлараро турли спорт мусобақалари ҳам тез-тез ўтказилмоқда.

Маълумки, бирон-бир жисмоний нуқсонга эга кишиларнинг, айниқса ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари осон кечмайди. Бунинг учун улар, аввало, у ёки бу касб-ҳунарни эгаллашлари лозим бўлади. Шу мақсадда келгусида мактаб-интернат ҳудудида сартарошхона, этикдўзлик устахонаси, қизлар учун тикиш-бичиш цехлари ташкил этишни режалаштирганмиз. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам интернатимизда «Соғлом авлод» жамғармасини тузганмиз. Ҳомий ташкилотлар, савобталаб инсонлар ҳиммати эвазига жамғармамиз ҳисобига келиб тушган маблағларни ана шу режаларимизнинг амалга ошириш учун ишлатамиз.

... Йиллар ўтади. Ўйлайманки, биз амалга оширган, ошираётган ишларимиз ўз мевасини беради: интернатдан учирма бўлган ногирон фарзандларимиз чеҳраларида бахтиёрлик учқунлари барқ уради. Зеро, инсондан фақат яхшилик, яхши ном, яхши фарзандлар қолади.

**Худайназар ҚИЛИЧЕВ,**
**мактаб-интернат директори, халқ таълими аълочиси.**

## МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Фарғона механика давлат ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот турини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Куни кеча бу ерда вилоят шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш маркази буюртмаси асосида махсус кроватлар тайёрлана бошлади. Катталар ва болалар учун мўлжалланган ушбу кроватлар илгари хориждан сотиб олинар эди.

Айни вақтда жамоада ишлаб чиқарилаётган тўқув комбинатлари дастгоҳлари учун эҳтиёт қисмлар, бензин хажмини ўлчовчи мосламалар, тарози, спорт анжомлари, қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун зарур эҳтиёт қисмларга талаб ортмоқда.

**Р.КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Бурхониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллиги олдидан*

## АЛЛОМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси буюк аллома Бурхониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигини нишонлаш тўғрисида шу йил 19 январда қарор қабул қилди. Қарордан кўзланган асосий мақсад жаҳон халқларининг маънавий тараққиётига, ҳуқуқшунослик илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ аждодимиз хотирасини абадийлаштириш, ул зотнинг бебаҳо мероси билан халқимизни яқиндан таништиришдан иборатдир. Қуйида беназир фиқҳшунос аллома илмий фаолиятининг айрим қирралари билан танишасиз.**

Шарқ уйғониш даврининг энг машҳур олими Бурхониддин ал-Марғиноний мусулмон ҳуқуқи ханафий-фиқҳ мазҳаби таълимотини ривожлантирган нафақат назариётчи, балки ўзининг илмий қарашларини амалиётга татбиқ этган буюк аллома сифатида маълум ва машҳурдир.

Буни таниқли ҳуқуқшунос олим А.Саидовнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: «Шунинг учун ҳам у кишини Бурхон-уд-дин вал-милла деган шарафли ном билан аташган. Милла деган олимни улуғлаб, уни мусулмон дунёсидаги халқлар ҳамда Ислом динининг далили, исботи деб улуғлашдир. Бир сўз билан айтганда, бу фақиҳ бутун дунёга Бурхониддин ал-Марғиноний номи билан машҳурдир».

Мавлоно ёшлик чоғларида бошланғич таълимни Риштонда олиб, кейинчалик балоғат ёшига етганларида Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларидаги мадрасаларда таҳсил кўриб, айниқса, фиқҳ-ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя мукаммал илмга эга бўлган.

У ўз замонасигача ўтган энг таниқли фақиҳ алломаларнинг асарларини пухта ўрганиш ва шарҳлаш билан бирга ўзи ҳам фиқҳшунослик соҳалари бўйича «Бидоёт ал-мубтабий» («Фиқҳни ўрганишни бошловчилар учун дастлабки таълим»), «Кифоят ал-Мунтаҳий» («Фиқҳни ўрганишни якунловчилар учун тугал таълим»), «Китоб ат-тажнис вал-Мазид» («Фуқаролик ҳуқуқини тақдим этиш»), «Китоб ул-фарсиз» («Мажбуриятлар ҳақида китоб»), «Китоб манасиқ-ал-Ҳаж» («Ҳаж қилиш ҳуқуқлари ҳақида китоб») ва бошқа машҳур асарларни яратган.

Олимнинг «Ҳидоя фи фуруъ ил-фиқҳ» («Фиқҳ соҳалари бўйича қўлланма») ёки «Китоб ал-Ҳидоя» номли энг таниқли асари алломанинг йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида олиб борган назарий-амалий тажрибасининг маҳсулидир. Бу асар бутун ислом оламида ханафийлар мазҳаби тарқалган бир қатор араб ҳамда Африканинг айрим мамлакатларида, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Хитой мусулмонлари орасида шуҳратлидир. Шунингдек, «Ҳидоя» 1917 йилгача Ўрта Осиё, Шимолий Кавказ ва Волга бўйи мусулмонлари орасида шариатнинг энг қийин масалалари ва ҳуқуқий чигалликларни ҳал этишда қозилар учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган. Шарқда шариат (хусусан, ханафийлар мазҳаби) ўз таъсирини сақлаб келаётган мамлакатларда ҳозир ҳам «Ҳидоя»га муҳим қўлланма сифатида амал қилинади, Ислом мадрасалари ва дорилфунунларида ўрганилади.



«Ҳидоя» қатор Оврупа халқлари тилларига, жумладан, ўтган асрда Ҳиндистондаги Британия ҳукуматининг фармойиши билан Бенгалияда арабча нусхадан форс тилига, форс тилидан эса инглиз тилига таржима қилинган. Шунингдек, 1893 йилда Тошкентда инглиз тилидан рус тилига Вишнегорский томонидан таржима қилиниб, 400 нусхада нашр этилган. Мазкур таржима асосий манбадан ўгирилмаганлиги учун кўпгина фиқҳга доир атамалар, иборалар, таърифлар таржима жараёнида тилдан тилга ўтиши натижасида ўзларининг дастлабки шакли, номи ва ҳатто мазмунини қисман йўқотган. Аммо кўпчиликка тушунарли бошқа манба бўлмаганлигидан ислом ҳуқуқшунослиги масалалари билан шуғулланувчи, араб тилини билмайдиган мутахассислар ҳозиргача унга мурожаат этишга мажбур бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам 1993 йилда унинг рус тилидаги таржимаси, иқтидорли ҳуқуқшунос олим, профессор А.Х.Саидовнинг саъй-ҳаракатлари ва масъул муҳаррирлигида ҳамда сўзбошиси, изоҳлари билан янгидан чоп этила бошланиши ва бугунги авлодни бобокалонимиз меросидан баҳраманд этиш ниятида шарқшунос олим О.А.Қориевнинг бу бебаҳо асарни ўзбек тилига таржима қилишда жуда ҳам хайрли ва савоб ишга бел боғлаганлиги республикамиз жамоатчилиги ва илм аҳлининг дилини хушнуд этди.

Шундай қилиб, «Ҳидоя» асари ислом ҳуқуқшунослигининг энг асосий қўлланмаларидан бири бўлиб, унинг асосини мусулмон жамияти ва давлати ижтимоий муносабатларини тартибга солиб турувчи шариатнинг асосий масалалари ва асосий шаръий нормалари, ханафийлик мазҳабининг йирик вакиллари асарлари, дастлабки тўртта ҳалифа (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алилар) ва саҳобаларнинг ривоятлари ҳамда улар хабар қилган ҳадислар ташкил қилади.

**Ҳалимбой БОБОЕВ,**
**ҳуқуқшунослик фанлари доктори,**
**Солижон ҲАСАНОВ,**
**педагогика фанлари номзоди.**

(Давоми бор)

*Газетхон илтимосига кўра*

# КАРДИОЛОГИЯ ВА НЕВРОЛОГИЯ МАРКАЗИ



***Шифокорлар ўзаро суҳбат чоғида: «Юрагингиз яхши, худо хоҳласа, узоқ умр кўрасиз» дея яхши ният билдиришади. Чинданам инсон соғлом, хушчақчақ бўлиши учун биринчи навбатда унинг юраги бақувват бўлиши керак. Шу маънода Тошкент шаҳридаги кардиология ва неврология марказининг аҳамияти катта.***

***Хўш, мазкур шифо масканининг ўзига хос томонлари нималардан иборат? Бу ерга шифо излаб келаётганлар сони тобора кўпаяётганлигининг боиси нимада? Қуйида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.***

Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрини айлансангиз, мустақиллик йилларида у нақадар ўзгариб, гўзаллашиб кетганлигининг гувоҳи бўласиз. Бунёдкорлик ишлари шифохонамизни ҳам четлаб ўтмади. Бу ерда катта таъмирлаш ишлари кетмоқда. Шаҳарликларга 15-шифо клиникаси сифатида яхши танилган марказимизда айни пайтда 150 ўринли ётиб даволанадиган ва 110 ўринли кундузги бўлимлар ишлаб турибди. Шифохона поликлиникаси ҳам 50 нафар беморни қабул қилиш имконига эга. Республика кардиология илмий-текшириш институти ва врачлар малакасини ошириш институтининг кардиология ва неврология кафедралари ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги ишимизнинг янада самарали бўлишида катта рол ўйнаяпти.

Марказ замон талабларига жавоб берадиган тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Юқори малакали шифокорлар қўлларидан келганча беморларга, дам олувчиларга яхши хизмат кўрсатиб, уларнинг мушкулини осон этишга ҳаракат қилишмоқда. Бизда юздан ортиқ шифокорлар ишлашади. Улардан 16 нафари фан доктори, 40 нафари тиббиёт фанлари номзодларидир. Кардиология илмий-текшириш институти директори, профессор Равшан Қурбонов, Малака ошириш институти неврология кафедраси мудири Бахтиёр Ғофуров, академик Абдуманнон Раҳимжоновлар тиббий хизматни намунали йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Биноларни таъмирлашда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги ва Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Янги корпус ишга тушгач, қўшимча 50 ўринли жойга эга бўламиз.

Албатта, беморларни марказга жойлаштириш, бу масаланинг иқтисодий томонлари кўпчиликни қизиқтиради. Бозор шароитида боқимандалик кайфиятидан батамом ҳалос бўлишимиз керак. Қайси корхона, ташкилот, муассаса бўлмасин, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, қўшимча маблағ қидириб топиш ҳақида жиддий изланиши керак. Биз ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. 40 ўринли пуллик бўлим очдик. Ана шу тижорат бўлимида жорий йил бошидан шу кунгача 10 миллион сўм маблағ ишлашга эришилди. У асосан шифохонани янада ривожлантириш,беморларга лозим бўлган дори-дармонларни, тиббиёт асбоб-ускуналарини сотиб олиш, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш каби мақсадларга ишлатилади.

Бизга беморлар асосан шаҳар поликлиникалари томонидан берилган йўлланмалар орқали келишади. Ишонч билан айтиш керак, улар ўзларига кўрсатилаётган тиббий хизматдан мамнун бўлиб, соғ-саломат уйларига қайтишмоқда. Келажакни ўйлаб, қатор корхона, ташкилотлар билан шартномалар туздик. Уларга намунали тиббий хизмат ҳамда маслаҳатлар бериб, ўзаро алоқани тобора мустаҳкамлаяпмиз. «Совпластитал» ва бошқа йирик корхоналар билан яқиндан ўрнатилган алоқа ҳар икки томонга катта наф келтиряпти. Ўз касбини сидқидилдан бажараётган қўли енгил, ширинсўз шифокорлар ҳақида гап кетганида, тиббиёт фанлари номзоди Жамол Ашурматов, олий тоифали шифокорлар Фаҳриддин Азимов, Гавҳар Абдураупова ва катта ҳамширалар Мавжуда Юнусова, Ирина Абдураҳмоновалар номини ҳурмат билан тилга олгим келади. Беморлар атрофида ҳамиша парвона бўлиб, кеча-ю кундуз тиним билмаётган бундай кишилар бизнинг суянган тоғларимиздир. Марказ ён-атрофини янада обод, гўзал этиш учун ҳаракатлар кетмоқда. Қанча-дан-қанча беморларга нафимиз текканлигини эсласам, қалбимда фахр ҳис-туйғулари пайдо бўлади. Ахир, инсон саломатлигини тиклашдек савобли ишга ҳисса қўшишдан ҳам ортиқ бахт борми!

**Азиз ИБРОҲИМОВ,**
**Тошкент Кардиология ва неврология маркази бош ҳакими, тиббиёт фанлари номзоди.**



*Касаба уюшма спорти*

# ШОҲСУПАГА ЙЎЛ

Фарғона вилояти касаба уюшмалари Кенгаши томонидан қабул қилинган 2000-2005 йилларга мўлжалланган вилоят аҳолисини соғломлаштириш давлат дастурида бошланғич меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини таъминлаш, меҳнаткашларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига эришиш, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларини турли спорт секцияларига жалб этиш каби масалалар кўзда тутилган.

Шу мақсадда вилоятнинг барча туманларида спорт ишларига котибият мудирлари лавозимлари тикланиб, ишлар қайтадан ташкил этилди. Натижада меҳнаткашлар ўртасида ўтказилажак оммавий мусобақалар сони кўпайди. Вилоят касаба уюшмалари тасарруфидаги 28 та ўйингоҳ, 44 та спорт зали, 14 та сузиш ҳавзаси, 2 та тир ва 552 та спорт майдончасида шуғулланувчилар сони 52118 кишига, спорт секцияларида шуғулланувчилар сони эса 23083 кишига етди. Улар билан юзга яқин малакали мураббий-ўқитувчилар иш олиб бормоқдалар.

Ҳар йили вилоят касаба уюшмалари Кенгаши тармоқ меҳнатчилари ўртасида турли спартакиадалар ўтказилмоқда. 1997 йили ногиронлар ўртасида ўтказилган мусобақада 140 га яқин спортчилар иштирок этиб, унинг ғолиблари Тошкент ва Самарқандда ўтказилган республика спартакиадасида фахрли III ўринни эгаллаган эди. 1998 йили эса «Камолот» жамғармаси соврини учун баскетбол ва волейбол бўйича шаҳар ҳамда туманлар ўртасида мусобақалар ўтказилди. Мусобақанинг республика миқёсидаги босқичида эса волейбол бўйича Бағдод тумани аёллар жамоаси биринчи, Қува тумани эркаклар жамоаси учинчи ўринни эгалладилар. Айниқса, ўтган йили вилоят Кенгаши тармоқ касаба уюшма қўмиталари билан ҳамкорликда ўтказилган вилоят спартакиадаси қизғин курашларга бой бўлди. Унда, хусусан, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари спортчилари муваффақиятли иштирок этдилар. .

Шуни алоҳида фахр билан айтиш кераккки, касаба уюшмаларининг етакчи спортчилари мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда ҳам фаол иштирок этиб келишяпти. Жумладан, велопойгачилар - Игор Жўраев ва Рафаэл Нуриддинов терма жамоа таркибида Италия, Франция, Таиланд ва Испания каби хорижий мамлакатларда ўтказилган мусобақаларда юлдузлар билан тенгма-тенг кураша билдилар. Боксчи Шерзод Ҳусанов эса ўтган йили Деҳлида ўтказилган турнир ғолиби бўлди. Эшкак эшиш бўйича Италияда бўлиб ўтган саралаш мусобақаларида Антон Ряхов биринчи ўринни эгаллаб, Сидней Олимпиадасига йўлланмани қўлга киритди. Энди у «яшил қитъа»да ўтажак олимпиада баҳсларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Спорт — тинчлик элчисидир. Қайси мамлакатда инсонлар саломатлигига ғамхўрлик кучли ва ёш авлод камолатига эътибор талаб даражасида бўлса, ўша жойда спорт равнақ топади. Бунда, шубҳасиз, меҳнаткашлар ҳомийси касаба уюшмаларининг ўз ўрни бор.

**А. ТЎХТАСИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**«Ўзбекистон — Ватаним маним» деб номланган кўрик-танлов Юнусобод туманидаги Ҳ.Олимжон номли маданият уйида бўлиб ўтди. Бу ерга эрта тонгданоқ олти яшардан олтмиш ёшгача бўлган санъат ихлосмандлари тўпланишди.**

**Юнусобод туман маданият ишлари бўлими бу тадбирнинг юқори савияда ўтиши учун жонбозлик кўрсатди.**

## ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

— Бу кўрик-танлов ёш санъат ихлосмандларининг камол топишида алоҳида ўрин тутади, - дейди тадбир жонкуярларидан бири К.Жуманиёзов. Кўрик-танлов иштирокчиларининг сони 40 нафардан ошганлиги ҳам юнусободлик ёшларнинг санъатга катта қизиқиши намунасидир.

Сал кам уч соат давом этган кўрик-танловда ёш санъаткорлар, тажрибали хонандалар ҳайъат аъзолари олдида ўз маҳоратларини намойиш қилди. Улар томонидан 35 га яқин она-Ватанни мадҳ этувчи куй, қўшиқ ва рақслар ижро этилди. Таниқли санъаткор Носир Отабоев, А.Қодирий номли Тошкент давлат маданият институти доценти, бастакор Матназар Худойназаров, бастакор Муҳаммаджон Шокиров, шоир Қ.Ўтаев, тумандаги 9-кутубхона мудираси Муҳаббат Иброҳимовадан ташкил топган ҳайъат аъзолари иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишини диққат билан кузатдилар.

А.Қодирий номли маданият уйи хонандаси Алижон Исҳоқов «Мардона» қўшиғи учун (Султон Қўқонбеков сўзи, Муҳаммаджон Шокиров куйи) биринчи ўринни эгаллади. Ҳ.Олимжон номли маданият уйи раҳбари Александр Блинзон ва А.Қодирий номли маданият уйи қатнашчиси Илҳом Матёқубов иккинчи ўринга сазовор бўлдилар. Шунингдек, бир гуруҳ ёшлар рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар. Юқорида номлари қайд этилган ғолиблар эндиликда Тошкент шаҳар «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Файзулла ИСАЕВ.**

## ЮГУРИШ МУСОБАҚАСИ

Тошкентдаги Миллий Олимпия Қўмитасида Халқаро Олимпиада қўмитасининг 106 йиллигига бағишланган умуммиллий Олимпиада югуриш кунини ўтказиш ва ташкил этиш бўйича ташкилий қўмитанинг мажлиси бўлиб ўтди. Мусобақа 18 июнда Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги майдонда бўлиб ўтади.

Анъанавий югуриш мусобақаларида биринчи бор мактабгача ёшдаги болалар ҳам иштирок этади. Югуриш 18 та масофа бўйича ўтказилади. Мусобақанинг бош соврини учун мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган, таркибида 11 ёшдан 70 ёшгача бўлган енгил атлетикачилар жамоалари ўзаро куч синашади.

Мажлисда мусобақаларни юқори ташкилий даражада ўтказиш кераклиги ҳақида сўз юритилди. Югуришнинг барча иштирокчилари зарурий тиббий хизмат билан таъминланади. Мусобақаларга «Кока-Кола» қўшма корхонаси ҳомийлик қилади.



Китоб инсонни маънавий баркамолликка, руҳий уйғоқликка чорлаб, қалбини сайқаллайди, руҳини поклайди, - дейди зиёкор Зокиржон Рустамов.

Муборак тумани халқ таълими бўлимига қарашли кутубхона унинг саъй-ҳаракатлари билан чинаккам зиё маскани, билимлар хазинасига айланган. Бу ерда тез-тез адабий кечалар, китобхонлар конференциялари ўтказиш анъанага айланган.

Китоб фонди тарихий ва бадиий адабиёт билан бойиб бораётгани туфайли зиё маскани ҳамиша китобхонлар билан гавжум.

***Суратда: Кутубхона мудири Зокиржон Рустамов китобхонлар билан.***

**З.РАХМАТУЛЛАЕВ олган сурат**

# НОЁБ ТОПИЛМА

Археологик қазилмалардан ноёб мусиқа асбоблари чоч (қадимги Тошкент, V-VIII аср)да кенг тарқалгани бизга маълум. Хитойликлар бундай мусиқа асбоби тасвири туширилган ясси кўзачани топган йили Оққўрғон тумани ҳудудида қазишма олиб бораётган археологларга шу ерлик болалар қизғиш-жигарранг гилдан ясалган сопол парчасини топиб келтиришган. Унда уд чолғу асбобини ушлаб кулиб турган машшоқ аёл тасвири бор эди. Бу сопол парча каттакон тасвирнинг бир қисми эди.

Текширишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, топилма Қанқа (қадимги чоч маркази) шаҳри ташқарисидан келтирилмаган. У шаҳардан дарё ирмоғи орқали ажралиб турган Бойтепада ишланган.

Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу тепаликдан жуда кўҳна қабрлар, лойдан ясалган тобутлар топилган. Улар билан бирга ҳайкалчалар ва турли буюмлар кўмилган экан.

Археологик қазишма чоғида топилган буюмлардан бири қўлида уд ушлаган машшоқ аёл ҳайкалчаси эди. Чочда топилган буюмларда машшоқлар уд дастасини пастга узатган ҳолда тасвирланган.

**А.АЛИЕВ.**

Булут ҳосил қилиш учун ҳавонинг сув буғларига тўйинишигина кифоя қилмайди. Ҳавода хўлланадиган қаттиқ ва совуқ майда зарррачалар ҳам бўлади. Бу зарррачалар фанда конденсация мағизи деб ном олган.

Булут билан осмонга кўтарилган ёқилғи чиқиндилари, денгиз тузларининг майда зарррачалари ва кварц чанглари мана шу конденсация мағизларидир.

Бу майда зарррачалар тўйинишдан ортган сув буғларини ўзига йиғиб, 20-30 марта катталашади ва сув томчиларига айланади. Сув томчилари йиғилиб, булутни ҳосил қилади.

## БУЛУТЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Ҳарорат нолдан паст бўлган булут томчиларига ўта совуган томчилар дейилади. Булутларнинг юқори қисмида ҳарорат нолдан анча паст кристалларга айланади. Муз зарррачалари ҳарорат ва намликка қараб, игнали юлдузча, устунча, олти қиррали пластинкачалар шаклида бўлади.

Агар ҳавонинг сув буғлари билан тўйиниши Ер юзасига яқин қатламида рўй берса, у ҳолда туман ҳосил бўлиши мумкин.

Таркибида сув томчилари бўлган булутларнинг ҳаммасидан ҳам ёмғир ёғавермайди. Юқорига кўтарилган оқимлар кучли бўлиб, булутлар тез кўпайгандагина улардан ёмғир ёғади.

Агар булутнинг кўпайиш сурати суст бўлса, ундан ёмғир ёғмаслиги мумкин.

Таркибида сув томчилари бўлган булутлардан кўпроқ тропик ҳудудларда ёмғир ёғади.

Ўзбекистон ҳудудида сув томчилари ва муз кристалларидан иборат бўлган аралаш булутлар ёғин-чочинларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**(22—28 МАЙГАЧА)**

**ҚЎЙ. 21.03—21.04.** Келаётган ҳафта молиявий масалаларни ечишда қулай. Бунга душанба ва чоршанба кунлари ишонч ҳосил қиласиз. Жума куни амалий ишларда омадингиз юришади. Дам олиш кунларида оила даврасида бўлинг. Яхши кун сешанба.

**БУЗОҚ. 22.04—20.05.** Ҳафта сиз учун ўртача келади. Хушхабарлар тинглайсиз. Бизнес соҳасида айрим ишларни уддалашингиз мумкин. Пайшанбада соғлиғингиз хусусида ўйлаб кўринг. Ноқулай кунлар сешанба, жума.

**ЭГИЗАКЛАР. 21.05—21.06.** Ҳафта бошида можароларга дуч келишингиз хавфи бор. Сешанба, шанба кунларида соғлиғингизнинг ташвишини қилинг. Қолган кунларингиз бир маромда ўтади. Пайшанбада моддий аҳволингиз яхшиланади. Ноқулай кун жума.

**ҚИСҚИЧБАҚА. 22.06—22.07.** Ҳафтанинг биринчи ярми кўп ишларни бажаришга қулай. Ҳатто шу кунлари кўнгилли хордиқ чиқаришингиз, кейинги кунларда турли ихтилофларга дуч келишингиз мумкин. Шунга қарамасдан тилингизни ширин қилинг. Яхши кун чоршанба.

**АРСЛОН. 23.0—22.08.** Ҳафтанинг бошидаёқ пулингиз кўпайиши мумкин. Шунга қарамай ҳафтанинг биринчи ярмида айрим можароларга, саломатлик билан боғлиқ муаммоларга тўқнашасиз. Ҳафтанинг кейинги ярмида яхши харидлар қилишингиз, махбуб ёки махбубангиз кўнглини овлашингиз мумкин. Яхши кун якшанба.

**ПАРИЗОД. 23.0—22.09.** Ҳафта мобайнида катта ишларга қўл урмаганингиздан кайфиятингизни туширманг. Негаки ҳафта давомида соғлом ва хотиржам юрасиз. Дам олиш кунларида асабийлашманг. Яхши кун пайшанба, жума. Ноқулай кун якшанба.

**ТАРОЗИ. 23.09—22.10.** Келаётган ҳафтада моддий аҳволингиз ўнгланади. Сешанба ва чоршанба кунлари ўзингизни хотиржам тутсангиз ёмон бўлмайди. Дам олиш кунларида хордиқ чиқаринг. Ноқулай кун душанба.

**ЧАЁН. 23.10—22.11.** Қилишни мўлжаллаб қўйган барча юмушларни ҳафтанинг бошида бажаришга уриниб кўринг. Кейинги кунлар ёмон келмайди. Лекин инсон дам олиши, дунёнинг ҳамма ташвишларидан этак силкиб бирон гўшада дам олиши ҳам керак. Ноқулай кун жума.

**ЎҚОТАР. 22.11—21.12.** Ҳафтанинг биринчи ярмида айрим зиддиятларга тўқнаш келасиз. Лекин кайфиятингизни туширманг. Ҳафтанинг қолган кунлари сизга ажойиб туҳфалар ҳадя этади. Ноқулай кун чоршанба.

**ТОҒ ЭЧКИСИ. 22.12—19.01.** Ҳафтада сиз ишлашингиз ва яна ишлашингиз керак. Шанба бизнес соҳасида иш қилсангиз бўлади. Яхши кун душанба, шанба.

**ҚОВҒА. 20.01—18.02.** Ҳафта бошида ишларингиз ёмон бўлмайди. Лекин сешанба ва чоршанба кунлари айрим масалаларда (соғлиқ, турли келишмовчиликлар) муаммолар туғилиши мумкин. Қолган кунларда иш билан банд бўласиз ва бош қашишга вақт топилмайди. Ноқулай кун пайшанба.

**БАЛИҚ. 19.02—20.03.** Келаётган ҳафта ҳар томонлама омадли ва хайрли бўлади. Ҳафта бошида моддий тақдирланасиз. Кейинги кунларда кайфиятингиз аъло бўлади. Кўнгилли харидлар қилиб махбуб ва махбубангизни шодлантирасиз. Яхши кунлар сешанба, пайшанба.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Алланов Маҳсуд Абдусаматовичга 1998 йил 20 июнда Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» лицей-интернати томонидан берилган О Я, А № 396509 сонли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**ISHONCH**

**МУАССИС:**
***Ўзбекистон касаба уюшмалари***

**Бош муҳаррир**
**Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63**

**Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган**

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.30

Буюртма Г— 384. 1 2 3 4 5 6